

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розияллоҳу анҳудан

07:15 / 07.08.2018 3012

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Биз қамишдан бўлган уйимизни ислоҳ этаётганимизда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдимиздан ўтиб қолдилар. Ва: «**Бу нима?**» дегандилар, биз: «Қулаб кетган эди ислоҳ қилмоқдамиз», дедик. Шунда у зот: «**Ишни бундан ҳам тезроқ деб биламан** (яъни, охиратга жўнаш бундан ҳам тезроқ)», дедилар».

Абу Довуд ва Термизийлар Бухорий ва Муслимнинг исноди билан ривоят қилишди. Термизий ҳасан, саҳиҳ ҳадис дедилар.